

## VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

### **Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони (фермер ва дэхçon хўжаликларисиз бирликда)**

	<i>2019 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган</i>	<i>2018 йил январ-декабрда</i>	
		<i>ташкил томди</i>	<i>тугатилди</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>9143</b>	<b>1810</b>	<b>468</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий	2811	415	125
Зарафшон	592	212	73
<i>туманлар:</i>			
Кармана	1687	263	60
Конимех	233	80	16
Қизилтепа	1006	162	41
Навбаҳор	803	174	29
Нурота	765	211	49
Томди	115	32	15
Учқудук	312	86	24
Хатирчи	819	175	36

2019 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 9143 тани ташкил қилди.

2018 йил январ-декабрда ялпи худудий маҳсулотнинг 42,4 фоизи (2017 йил январ-декабрида 47,9 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январ-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3640,0 млрд.сўмни (жами саноат

ишлиб чиқаришининг 16,1 фоизи) ёки 2017 йилнинг январ-декабрига нисбатан 118,5 фоизни ташкил қилди;

9291,2 млрд.сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари томонидан ишлиб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар), ўсиш суръати 104,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг кичик бизнесдаги улуши 98,1 фоизи) ташкил қилди.

1478,0 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 14,7 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январ-декабрига нисбатан 16,3 фоизга ошди;

1416,7 млрд.сўмлик қурилиш ишлари (курилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,7 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январ-декабрига нисбатан 5,5 фоизга ошди;

автомобил транспорти юк айланмасининг 5,1 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 42,9 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 2,7 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 84,3 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 91,4 фоизи ёки 4991,1 млрд.сўми (ўсиш 103,9 фоиз), хизматлар умумий ҳажмининг 62,0 фоизи ёки 2371,1 млрд.сўми (ўтган йилга нисбатан 104,3 фоиз) шакллантирилди;

51,8 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 17,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 194,9 млн.АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 15,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

### **2018 йилнинг январ-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар)**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>2017 йил январ-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	9291,2	104,3
Саноат	3640,0	118,5
Қурилиш	1416,7	105,5

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари махсулоти (иши, хизмат) ҳажми, млрд.сүм</i>	<i>2017 йил январ-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Чакана савдо	4991,1	103,9
Юк ташиш, млн тн.	26,3	107,7
Йүловчи ташиш, млн.күши	123,6	103,7
Экспорт, млн. АҚШ долл.	51,8	85,7
Импорт, млн. АҚШ долл.	194,9	228,5

**Ялпи худудий махсулот ва иқтисодиёт тармоқлари махсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушкининг ўзгариши (январ-декабр ойларида умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

